ҲОЗИРГИ ЗАМОН СИСТЕМ ТИЛШУНОСЛИК БОСҚИЧЛАРИ

З.Қодиров

Автор статьи освещает становление и этапы развития системного подхода к изучению языка и его современное состояние.

The author of the article gave formation and stages of development of the systematic approach to studying the language and its modern condition.

Яқин кунларгача тилшуносликда лисоний унсурлар автоном ҳолда олиниб, амалий босқичда ўрганилди ва уларнинг қиммати шу андозада белгиланди. Бугунги тилшуносликнинг асосий вазифаси лисоний унсурларни юқори сатҳда – назарий (прагматик) босқичда бир бутун сифатида (компонент) таҳлил қилиш, уларнинг сон қимматига тенг келмайдиган сифат қимматини белгилашдан иборатдир. Лисоний унсурларнинг сифат қиммати тилшуносликнинг кенжа соҳаси – семантик синтаксисда, синтаксемик таҳлилда аниқланади. Ҳар бир унсурнинг сифат қиммати шу унсур билан семантик муносабатда турган муайян қуршовдаги унсурнинг қимматидан олиниши семантик синтаксиснинг асосий тамойилидир. Назарий тушунчалар асосида тил ва унинг унсурларига систем-структур принципда ёндашиш бевосита диалектик логикага бориб тақалади. Диалектик логиканинг ядроси “иккилик” – қарама-қаршилик асосига қурилганлиги систем-структур йўналишнинг моҳиятини ташкил қилади.

Тилнинг умумий (грамматик) категориялари икки ёки ундан ортиқ унсурнинг ўзаро ички иккиланма муносабатидан ташкил топади, яъни категория унсурларининг бири иккинчисини тақозо қилади ва, ўз навбатида, бири иккинчисини инкор қилади. Тил бирликларига систем ёндашув диалектик принципни сақлаган ҳолда бир грамматик шаклнинг минимум икки оппозиция қаторини тақозо қилади. Диалектиканинг муҳим факторларидан бири ўрганилаётган ҳодисаларга субстанциал ёндашув, яъни ички ва ташқи томони диалектик бирликда бўлган грамматик шакл объектив реалликда муносабатга киришганда қимматини йўқотмайди.

Люсъен Тенъер ўзининг “Структур синтаксис асослари” асарида “икки нарса”нинг бирлашишидан янги бир моҳиятнинг келиб чиқишини натрий (Na) ва хлор (Cl) қўшилишидан янги моҳият – ош тузи (NaCl) ҳосил бўлиши мисолида тушунтираркан, бир лисоний унсурнинг иккинчи лисоний унсур билан муносабатга киришувидан ҳам янги моҳият – грамматик маъно ҳосил бўлишини кўрсатади ва бу моҳият ҳар икки лисоний унсурнинг имкониятидан келиб чиқишини таъкидлайди [1.50].

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларнинг илм-фанда ҳам ўз аксини топиши шубҳасиз. Гарчанд тилшуносликнинг илдизи жуда қадимга бориб тақалса-да, у бугунги кун тилшунослигининг тарозиси билан ўлчанади. Давр тилшуносликнинг моҳиятини чуқурлаштириши, имкониятини ошириш билан биргаликда ўз тараққиёти нуқтаи назаридан қарашни талаб қилиши табиий бир ҳолдир. Қадимги ҳинд тилшунослигидан бошлаб шу кунгача бўлган даврни босиб ўтган тилшунослик бугунги кунга келиб янги, юқори босқичдаги “ систем-структур семантик ” тилшуносликка айланганлиги ҳеч кимга сир эмас.

XX асрга келиб қатор фанларда – математика, физика, химия, биология, психология ва тилшуносликда структура (тузилиш)ни ва шу структурани ташкил қилган элементларни ўрганиш бошланди. Структура ўзаро боғланган ва ўзаро муносабатга киришадиган элементлар мажмуидир. Тилшуносликдаги бу йўналиш структур тилшуносликни вужудга келтирди. Бу йўналиш жаҳондаги қатор мамлакатларда ўзининг истеъдодли вакилларини етиштирди. Швецарияда Фердинанд де Соссюр, Чехословакияда (Прагада) рус олими Н.С.Трубецкой, Копенгагенда Луи Ельмслев, АҚШда Э.Сепир, Л.Блумфильд, кейинроқ З.Харрис ва бошқалар. XX асрнинг 60-йилларига келиб Н.Хомскийнинг генератив лингвистикаси катта шов-шувларга сабаб бўлса ҳам, 70-йилларга келиб бу оқимнинг тил фактларига эмас, соф формал кўрсаткичларга асосланганлигини Хомскийнинг ўзи ҳам тан олди. Лингвистика яна семантикага – тилнинг экстралингвистик факторларини ҳисобга олишга қайтди.

Ҳеч қайси фан текис тараққий этмайди, жумладан, семантика ҳам ўз бошидан “кўтарилиш” ва “пастлаш”ларни ўтказди. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида, аниқроғи, К.Рейзиг, И.Бреаль, Г.Пауль, рус тилшунослигида М.М.Покровский ишларидан кейин семантика мустақил фан сифатида тан олинди. Аниқроғи, формал структурализм ўрнини систем йўналиш олгандан сўнг қайта шаклланди.

Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, уч қисмдан иборат белгилар системасининг умумий таркибини ўрганувчи семиотика тилшунослар диққатини ўзига тортди: **семантика** – *белгининг ифодаловчига муносабатини,* **синтактика** – *белгиларнинг ўзаро муносабатини* ўргана бошлади.

Чарлз Дарвиннинг эволюцион назарияси, яъни

органик дунё ўзаро боғланган, систематик гуруҳлардан тузилган бир бутун деб кўрсатиши, Д.И.Менделеевнинг химиявий элементларнинг даврий системасини тузиши бевосита тилшуносликка ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Биринчи бўлиб тил ва тил унсурларининг системавий муносабатда бўлишини И.А.Бодуэн де Куртенэ ва Ф.де Соссюр кўрсатди. Тил системадир, унинг унсурлари бир бутунни ташкил қилади, бир унсурнинг қиммати фақат бир вақтдан (контекстдан -З.Қ), бошқа қимматларнинг тозаланишидан келиб чиқади [2.38].

Соссюр тил системаси имкониятини иккига ажратди ва уларни ўзаро қарама-қарши қўйди: синхрония ва диахрония. У тилдаги система муносабатларини фақат синхрон ёндашувда ўрганишни, вақт система алоқаларини бузишини таъкидлади. Маълумки, Соссюр тилни шахмат билан тенглаштиради, яъни унда шахмат ўйинининг қоидаси ва ҳар бир донанинг қиммати аҳамият касб этади, шахмат доналарининг нимадан тайёрланганлиги аҳамиятсиз деб уқтиради.

Кейинги олимлар тилни синхрония ва диахронияга бўлиб ўрганишга қарши чиқдилар. Хусусан, истеъдодли француз олими Густав Гийом тил олдинги авлоддан мерос, тилдаги вақт муносабати билан ўзгаришлар система ичида, унинг механизмига таъсир қилмаган ҳолатда содир бўлади, шунинг учун диахронияни ҳам ўрганиш керак дейди. Гийомнинг бу назарияси тилшуносликда **психосистематика** номини олди.

Тил системасининг моносистемалилиги ёки полисистемалилиги ҳам турлича ечилди. Айрим олимлар тилни **системаларнинг системаси** деб қарайдилар. Бу фикрни француз социологик лингвистикасининг асосчиси А.Мейе қувватлайди.

Лондон тилшунослиги мактабининг асосчиси Жон Ферс ягона суперсистема мажудлигини инкор қилиб, тилнинг полисистем тузилишини тан олади. У система қисмларини ўрганишга аҳамиятни қаратди, локативлик майдони, келишиклар системаси ва ҳ.к. Унинг шогирди М.А.К.Халлидей ушбу таълимотни ривожлантирди ва ўзининг фактик материалларга асосланган **система** ёки **систем-функционал умумий лингвистик назария**сини яратди.

Ҳозирги кунга келиб илмий адабиётларда системанинг қирққа яқин дефинициясини мавжуд [3.4].

Рус тилшунослигида тил системасига бағишланган бир қатор ишлар мавжуд бўлиб, В.М.Солнцев, Ю.С.Степанов, В.Г.Афанасьев, Г.П.Мельников каби тилшуносларнинг ишлари машҳурдир. Хусусан, В.М.Солнцев система ўзаро муносабатда бўлган элементлардан ташкил топган бир бутун объектдир [4.15] дейди.

Ўзбек тилшунослигида тилни система сифатида ўрганиш, тил унсурларига систем тарзда ёндашиш Ҳ.Неъматов, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов ишларида учрайди. А.Нурмонов системани унинг моҳиятига биноан иккига – **идеал ва материал** системага бўлади, тузилишига кўра **макро** ва **микро** системага ажратади ва тилнинг системалардан тузилганлигини, шу системаларни бирлаштириб турган ягона суперсистема мавжудлигини тан олади.

Кўп тилшунослар тил системасининг системаларга бўлинишини **подсистема** деб изоҳлашади ва подсистемани грамматик категорияларга боғлашади: сон категорияси, келишик категорияси, замон категорияси подсистеманинг синоними сифатида лингвистик адабиётларда “майдон” термини қўлланмоқда: лексик майдон, лексик-семантик майдон, грамматик майдон ва бошқ. О.С.Ахманова майдонни алоҳида микросистемани ташкил қилувчи ўзаро боғланган элементлар йиғиндиси деб айтса, В.Г.Адмони уни система муносабатидаги элементларнинг инвентари деб атайди*.

Система назарияси бир жойда ўзгармай турган йўқ, у тилшуносликнинг барча соҳаларига тадбиқ қилина бошланди. Фонема – тилнинг товуш системаси бирлиги, морфема – сўз ясалиш, сўз ўзгартириш системасининг бирлиги, лексема – лексик системанинг бирлиги ва бошқалар.

Ҳозирги замон тилшунослигида системани коммуникатив жараёнда **функция** тушунчаси билан боғлайдилар ва функционал система тушунчасини олға сурадилар. “Функция” сўзи белгиланиш, тайинланиш маъносини англатади. Унинг инварианти (синтактик функция, семантик функция, стилистик функция) интеграл муносбаатда қўлланилаётган элементларнинг қиммати ҳисобланади. Қатор тилшунослар тил функциясини турлича классификация қиладилар. Хусусан, М.А.К.Халлидей тил функциясини учга ажратади:

1) концептуаллик, сўзловчининг ички ва ташқи оламини ифодаловчи тажрибаси;

2) шахслараро муносабат, социал муносабатларни тикловчи ва тингловчига таъсир қилувчи баҳо, модаллик, импликация ва бошқалар;

3) матнли, ўзаро боғланган нутқ ахборотини беришни таъминлаш.

Тилнинг юқоридаги уч фунцияси коммуникацияда тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Систем тилшуносликдаги бу назария Лондон тилшунослиги мактабининг йирик вакиллари Ж.Ферс ва М.А.К.Халлидей номи билан боғланиб, “семантик хосланган систем функционал грамматика” номини олди. Халлидей ўз назариясини ривожлантириб, социолингвистик комплекснинг бир қисми қилиб олди ва унга ситуация, регистр, матн тушунчаларини олиб кирди.

* Тилшуносликдаги майдон назарияси ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Щур Г.С. Теория поля в лингвистике.- М., 1974

Ҳозирги замон тилшунослиги юқоридаги йўналиш ва қарашларни умумлаштириб, сўзловчи билан тингловчининг ўзаро билим фонди, бир-бирини тушуна олишдаги тафаккур кўлами, нутқий вазият, кўзланган мақсад(мавзу), сўзловчи ва тингловчининг руҳий ҳолати каби мураккаб бирликларни ўзида мужассамлаштирган янги таҳлилдаги тилшуносликни тақозо қилмоқда.

Адабиётлар:

1. Тенъер Л. Основы структурного синтаксиса.- М., 1988
2. Ф.де Соссюр. Курс общей лингвистики.- М.,1977
3. Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар Т., 1988
4. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование.- М., 1971
5. Щур Г.С. Теория поля в лингвистике.- М., 1974.

Андижон давлат университети
2010 йил 1 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)